Қоятош суратларининг аксарияти қабрлар ёки қадамжолар яқинида бўлган. Эътиқодий анъаналар асосида маросимлар ўтказиш чоғида эътиқодий-сەҳр хусусиятига эга ов сахналари акс эттирилган (Шахта ғори, Шаркий Помир).

Инсон онг шакли тотемдан самовий дунёқараш сари ўзгариб борди. Сийпантош тасвирларининг манзараси хандасавий (доира, хоч, ромб, нукта, тўртбурчак, учбурчак) хусусиятга эга. Умуман олганда, Сийпантош мавзуси самовий жисмлар тимсоллари билан боғлиқ. Сийпантош тасвири ижодкорлари аллақачон дунё тузилиши ҳақидаги масалалар билан шуғулланган кўринади¹⁷⁷.

Энеолитнинг сўнгги ва илк бронза даврида ҳосилдорлик билан боғлиқ урф-одатлар кириб келди. Бу қуёшга, букага, кийикка ва бошқаларга сиғиниш анъаналарида ўз ифодасини топган (Саймалитош ғори). Қуёшбошлилар, хочнинг тасвирланиши қуёшга бўлган эътиқод билан боғлиқ (Саймалитош, Тамғали)¹⁷⁸. Сўнгги бронза даврида ғилдирак, қуёшли оҳу, қуёш-одам, қуёш-бука манзаралари пайдо бўлди. Эчки (Наволи петроглифлари), аёл (Хўжакент) тасвирлари ҳосилдорлик эътиқоди билан боғлиқ эди. Илк темир асрига келиб, аввал мавжуд бўлган букага эътиқод йўқолиб борди¹⁷⁹. Илк темир асри петроглифлари ҳайвонларни акс эттириш услуби ўз ифодасини топган. Шундай қилиб, муаммонинг тарихшунослиги Турон маънавий ҳаётини тиклаш тадқиқот предмети сифатида махсус ўрганилмаганлигини кўрсатди. Шу муносабат билан биз Турон маънавий ҳаётини дафн ва ибодатхона маросимлари, шунингдек, ёзувгача бўлган тарихдаги қоятош суратлари орқали тиклашга ҳаракат қилдик.

Энеолит даври (мил. авв. IV-III минг йиллик ўрталари)да дафн урф-одатлари ўз эволюциясини давом эттирди. Ўрта Осиё жанубидаги илк деҳқонлар яшаган манзилгоҳларда жамоавий даҳмалар (толослар) пайдо бўлди. Мил. авв. III минг йилликдан бошлаб, деҳқонларнинг дафн маросимларида оловдан фойдаланиш тўхтади. Эҳтимол, бу оловнинг мукаддас саналиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

¹⁷³ Аскарлов А. Сапаллитепа. ... – С. 139.

¹⁷⁴ Исаков А. Саразм. ... – С. 72.

¹⁷⁵ Ўша муаллиф. О работе международной археологической экспедиции на поселении Саразм в 1985 году // АРТ. – Душанбе, 1994. Вып. 25 (1985). – С. 95-96.

¹⁷⁶ Каримова Г. Р. Таджикистан // РЦАА. – Самарканд, 2016. Т. I. – С. 152.

¹⁷⁷ Сулейманов Р., Гордеева Е. Сейпантош – важный идеологический памятник первобытного искусства // АУ. – Самарканд, 2019. Вып. 1 (18). – С. 27.

¹⁷⁸ Марьяшев А., Рогожинский А. Наскальные изображения в горах Ешкиольмес (Восточный Казахстан). – Алма-Ата, 1991. – С. 43.

¹⁷⁹ Байпаков К., Марьяшев А. Петроглифы Ак-Кайнара. – Алмата, 2009. – С. 27.

Шу боис, унинг дафн маросимларида қўлланилиши номақбул кўрилган ёки маданий анъаналарда айрим инқироз ҳолатлари рўй берган.

Неолит даврида ибодатхона анъаналари пайдо бўла бошлади. Эътиқод ўчоғи муҳим белгилардан бири саналди (Хоразм). Жамиятнинг мафкуравий таянчи ўчмас оловга эътиқод бўлиб қолди. Чўпонлар муҳитида энеолит даврида узок вақт ёнувчи гулхандан, ҳарсангтош – дунёни бирлаштирувчи стеладан иборат илк муқаддас жойлар пайдо бўлди. Бунинг асосида муқаддас самовий борлиқ, Коинот ғояси ётар эди. Олов маросимлар, қурбонликлар келтириш, инсон суякларини этдан тозалаш одатлари ўзига хослик касб этди. Бу вақтда Ўрта Осиёнинг жанубидаги ўтроқ-деҳқонлар орасида илк алтарлар шаклланди. Ҳосилдорликка эътиқод илоҳалари вужудга келди. Энеолит давридан бошлаб, қадимги деҳқонларнинг ибодатхона маросимларида олов қўлланила бошланди. Протоибодатхона туридаги “хонадон топинчгоҳлари” пайдо бўлди. Қуёшга топиниш мақсадида эътиқодий-диний марказлар бунёд этилиб, қуёшга топиниш – оташпарастлик вужудга келди (Саразм).

Энеолит давригача Ўрта Осиёнинг қоятош сураатларида овчилик сеҳр-жодуси билан боғлиқ ғоя етакчилик қилар эди. Кейинчалик ҳосилдорлик илоҳаси ва қуёш, бошида осмон жисми, яъни қуёшни акс эттирган инсон ёки ҳайвон кўринишида намоён бўла бошлади. Бу каби ҳолатлар бронза даврида ҳам кузатилади. Шу пайтда Туронда Митрага бўлган эътиқод шаклланди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бронза даври (мил. авв. III минг йилликнинг ўртаси – II минг йиллик охири)да ўтроқ ва кўчманчи жамиятлари мафкуравий дунёқарашларининг эволюцияси”** деб номланиб, унда урф-одатлар эволюцияси таҳлил этишга ҳаракат қилинган, шунингдек, қабилаларнинг ибтидоий эътиқодлардан яққахудолик динига ўтиши таъкидланган. Иккинчи бобнинг биринчи параграфи **“Ўтроқ деҳқонларининг дафн маросимлари”** деб аталиб, бронза асрининг бошида Бактриянинг¹⁸⁰ ўтроқ-деҳқон аҳолисида марҳумларни манзилгоҳлар ичидаги деворлар орасига ёки ер остига дафн қилиш давом этганлиги, бронза даврининг сўнгги босқичлари (мил. авв. 1650-1350 йиллар)да марҳумлар манзилгоҳ (Жарқўтон)нинг ташқарисига дафн қилинганлиги¹⁸¹ таҳлилга тортилган. Ушбу анъаналар билан бирга кенотаф (рамзий қабр) одати ҳам мавжуд бўлган. Аммо бу каби дафн маросимлари марҳумнинг жасади топилмаган пайтда дафн маросимининг барча меъёрлари ва қоидаларига роия қилинган ҳолда амалга оширилган¹⁸². Мил. авв. 1700-1650 йилларда Шимолий Бактрияда марҳумни кўй билан бирга кўмиш одати мавжуд бўлган. Бу эркак авлодининг бадавлат эканлигини ифодаси бўлиб¹⁸³, марҳум учун қурбонлик ғояси билан боғлиқ бўлган¹⁸⁴.

Бронза даври Жанубий Туркманистон ҳудудидаги дафн маросимларида сўнгги энеолит даври (мил. авв. 3500-3000 йиллар)га хос анъаналар сақланиб қолган. Кўмишнинг икки тури: якка тартибдаги ўраларга ва жамоавий махсус чуқурликдаги хоналар (камералар) (энеолитнинг ўзига хос толослари)га дафн этиш сақланган.

¹⁸⁰ Ионесов В. Становление и развитие раннеклассовых отношений ... – С. 10.

¹⁸¹ Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи ... – С. 115.

¹⁸² Аскарлов А. Сапаллитепа. ... – 134 с.

¹⁸³ Ўша муаллиф. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы ... – С. 42, 137-141.

¹⁸⁴ Ўша жойда. – С. 22.

Қурбонлик қилиш дафн урф-одатларининг ажралмас қисми бўлиб, ўсимликлар ва ҳайвонларни эҳсон қилиш орқали амалга оширилган. Масалан, Шимолий Бактрияда (мил. авв. 1350-1200 йиллар) жамиятда юқори мавқега эга бўлганларни ҳайвонлар билан қўмишган¹⁸⁵. Жарқўтондаги дафн маросимида янгича урф-одатларнинг пайдо бўлиши мил. авв. II минг йилликнинг 2-ярмида янгича диний дунёқарашнинг вужудга келганлигидан далолат беради¹⁸⁶.

Бобнинг иккинчи параграфи **“Дашт қабилаларининг дафн қилиш урф-одатлари”** деб номланиб, унда бронза даврида Ўрта Осиёнинг шимолий ҳудудларида Андроново маданияти мавжудлиги таъкидланди. Бу маданиятнинг илк бочқичларидаги ўзига хослиги – ҳам инсон жасадини, ҳам ҳайвонни куйдириш (кремация) эди¹⁸⁷. Шу билан бирга бу даврда усти ёпик даҳма (ер ости сағана)лардан фойдаланилган бўлса, бронзанинг кейинги даврларида эса бу тош қутилар билан алмаштирилган¹⁸⁸.

Сўнгги андрон даврида марҳумларни букилган ҳолатда ётқизишган. Ўрта бронзадан сўнгги бронзага ўтиш даврида катта қўрғонлар қўринишидаги атрофи тўсилган, макбара устига қовурғасимон ўйилган (Беғаза-Дандибой) йирик гранит лавҳлар қўйилган дафн иншоотлари кўзга ташланади. Беғаза-Дандибой маданиятидаги ғовлар йирик шакли, тўртбурчак деворлари икки ва уч қаторни ташкил этиши, тиргақларнинг мавжудлиги билан Андроноводан фарқ қилган¹⁸⁹. Ўтиш даврining муҳим белгилардан бири жуфт ва икки қаватли қутилар ҳисобланади. Беғаза дафн маросимлари билан Тагискендаги дафн маросимлари орасида катта ўхшашлик бор.

Ой жайлов III қабристонида куйдириш ва ингумация (марҳумни ёнбошлаб ётқизиш) одати кузатилади. Бундан ташқари марҳумнинг қабри устида аза маъракаси ўтказилганлиги маълум бўлади. Шарқий Қозоғистон ҳудудида тош қутилар, тош лавҳлар тўшалган тупроқ қабрлар, лаҳадли қабрлар, тупроқ ўралари, дарахт ёки ёғоч тўқимали сават қўринишидаги дафн иншоотлари мавжуд. Марҳумларнинг кулини қўмиш одати ҳам мавжуд бўлган¹⁹⁰. Қурбонлик келтириладиган жойларнинг кенг тарқалиши қурбонлик ва аждодларга эътиқод анъаналари билан боғлиқ эди. Сўнгги бронза даврида ой ва юлдузларга эътиқод вужудга келган¹⁹¹. Кўкча 3 қабристонида тош тўсиклар учрамайди. Марҳумни тупроқ ўраларига дафн қилишган. Марҳумнинг жасади ёнбошлаб қўйилган. Жанубий Тагискендаги маросимлари борлиқда олов ёнишига ўхшатишган, бу орқали покланиш тимсолини англаган¹⁹².

Бронза босқичида бўлажак Хоразм давлатининг ҳудудлари Ўрта Осиё дашт маданиятининг муҳим марказларидан бири бўлган. Мазкур даврда кўчманчиларнинг шимолдан Ўрта Осиёнинг жануб томонига кўчиши

¹⁸⁵ Аскарлов А., Абдуллаев Б. Джаркутан. ... – С. 47.

¹⁸⁶ Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы ... – С. 41.

¹⁸⁷ Кукушкин И. Культ огня у племен Казахстана в эпоху бронзы. ... – С. 12.

¹⁸⁸ Маргулан Х. ва бошқ. Древняя культура Центрального Казахстана. – Алма-Ата, 1966. – С. 65.

¹⁸⁹ Маргулан А. Бегазы-дандыбаевская культура Центрального Казахстана. – Алма-Ата, 1979. – С. 25.

¹⁹⁰ Максимова А. Эпоха бронзы Восточного Казахстана / ТИИАЭ. – Алма-Ата, 1959. – Т. 7. – С. 100.

¹⁹¹ История Казахстана. – Алма-Ата, 2010. – Т. 1. – С. 116.

¹⁹² Огибенин Е. Структура мифологических текстов Ригведы. ... – С. 68-76.

(миграцияси) кузатилади. Бу, ўз навбатида, Турон жамиятининг маънавий ҳаётида ўзгаришлар рўй беришига олиб келди. Масалан, дашт анъаналари таъсирида Сополли маданиятининг ўтроқ қабилаларида ҳам марҳумлар қуйдирилиб, устига тош терилган қабрлар пайдо бўлади. Шимолий Тянь-Шанда Олтой ва Сибир кўманчилари таъсирида¹⁹³ дафн маросимларини қатъий сақлаб қолган Кўлсой маданияти вужудга келди.

Бобнинг учинчи параграфи *“Ўртоқ-деҳқон ва дашт маданиятининг дафн маросимларидаги анъаналарни ўзаро таъсири”* деб номланиб, унда Сополли маданиятининг Бўстон VI босқичига тегишли эканлиги аниқланган. Бу ёдгорлик бевосита кўчманчи (номад)ларнинг шимолдан Ўрта Осиёнинг жанубига миграцион жараёнларига, шунингдек, дашт ва ўтроқ маданиятларнинг уйғунлашувига гувоҳлик беради. Бўстон VIнинг дафн маросимларида одамларни якка, жуфт ва қўй билан кўмиш, шунингдек, хумларга дафн этишга қайтиш ҳолати кузатилади. Дафн маросимларига қуйдириш, дашт дунёси қабилаларига хос олов билан боғлиқ одатга асосланган мураккаб дафн эътиқодлар ҳам кирар эди. Олов ва унинг дафн маросимларида қўлланилиши Сополли маданияти учун янгилик эди. Бўстон VI – шимолий Бактрия оташпараастларининг даҳмаси эди¹⁹⁴.

Мазкур қабристоннинг ўзига хослиги жасадни “парциал (ажратиб) ва фракцион (бўлиб) кўмиш ҳисобланади¹⁹⁵. Охранинг қўлланиши ҳам янгилик бўлиб, бу самовий олов эътиқодининг ривожланиши билан боғлиқ эди. Юқорида айтилганидек, қўйларнинг дафн этилиши ва алоҳида қабр яратилиши ҳам янгилик эди. Бу қўйнинг илоҳий кучидан дарак берарди. Махсус табаррук майдончалар (яъни кичик зиёратгоҳлар) яратилиб, бу ерда турли расм-русумлар ўтказилган. Оловга қурбонликлар келтирилган. Н.Аванесованинг фикрича, Бўстан VI даҳмаси “ибодатхона кўринишидаги эътиқод – дафн мажмуаси” бўлиб, очиқ турдаги илк ибодатхона шаклини олган¹⁹⁶.

Ҳисор худудидаги Тандирийўл ва Заркамар қабристонлари қадимги деҳқончилик маданиятига мансуб. Тандирийўл қабристонидида қуйидаги қабр турлари мажуд бўлган: катакомбали, лаҳадли, ўрали, тушурма ўрали. Марҳум ёнбошлаб ётқазилган. Кўмиш усулига кўра, Сополли маданиятининг Мўлали босқичига ўхшаш. Кангурт қабристонидида кўпроқ кенотафлар учрайди. Бу Сополли маданиятининг Бўстон босқичига ўхшаш¹⁹⁷. Чуст маданиятида марҳумлар манзилгоҳлар ташқарисига, баъзида турар жойнинг

¹⁹³ Марьяшев А., Горячев А. Памятники кульсайского типа эпохи поздней и финальной бронзы Семиречья // Комплексные общества Центральной Евразии в III-II тыс. до н.э. – Челябинск-Аркаим, 1999. – С. 168-169.

¹⁹⁴ Аванесова Н. Бустон VI – некрополь огнепоклонников ... – С. 6.

¹⁹⁵ Ўша жойда. – С. 17.

¹⁹⁶ Аванесова Н. Бустон VI – некрополь огнепоклонников ... – С. 515.

¹⁹⁷ Shirinov T., Baratov S. Bronzezeitliche Gräbstätten aus der Nekropole Dzarkutan 4 c (Süd-Uzbekistan) // AMIT. B. 29. – Berlin, 1997. – S. 105, 117; Avanesova N. Spät bronzezeitliche Kultur kontakte in der Baktrischen Flussoase nach den Befunden der Nekropole Bustan 6 // AMIT. B. 29. – Berlin, 1997. – S. 164, 171.

ўзига дафн этилган¹⁹⁸. Бронза даврида Фарғонада “бош чанокларни овлаш” одати мавжуд бўлган¹⁹⁹.

Иккинчи бобнинг тўртинчи параграфи **“Илк ибодатхоналар ва қадимги эътиқодларни муқаддаслаштириш”** деб номланиб, унда бронза давридаги ибодатхоналар маданиятининг эволюцияси билан боғлиқ муаммолар ёритилган. Марғиёнадан топилган ибодатхоналар ибтидоий ёки протозардуштийликка оид. Буларга Тўғолоқ 21даги ибодатхона мажмуаси, Тўғолоқдаги “қишлоқ” ибодатхонаси, олов, сув, сома-хаома, курбонлик келтириш, Митра – куёш, жамоавий овқатланиш эҳроми кабилар киради²⁰⁰.

Туркменистоннинг жануби-ғарбида мил. авв. 2300-1900 йилларда ўтрок деҳқонларнинг Олтиндепа манзилгоҳида Олтинтепа ибодатхонаси мавжуд бўлиб, уни ибодатхоналар шаҳарчаси деб ҳисоблаш мумкин²⁰¹. Мажмуа самовий жисмлар илоҳи билан боғлиқ бўлиб, бу ой илоҳаси Месопотамиянинг Нанна-Синага яқин турарди ва олов тусидаги самовий буқа тимсоли Урдаги машхур зиккурат айнан унга бағишланган эди. Эҳтимол, Олтиндепадаги бош илоҳ унга яқин бўлиши мумкин²⁰², бу қоҳинларнинг қабрларидан топилган эътиқод объектларида аксини топган.

Жарқўтон ибодатхонаси Сополли маданияти (мил. авв. XV-XIV асрлар)га тааллуқли²⁰³. У олов ва сув эътиқодига бағишланган эди²⁰⁴. Ибодатхонанинг тарихига кўра, унинг қадимги Шумер ибодатхонасига ўхшашлигини таъкидлаш керак²⁰⁵. Умуман олганда, Жарқўтондаги олов эҳроми протозардуштийлик хусусиятига эга. Бугунги кунда Жарқўрғон эҳромини “илк зардуштийлик ибодатхонаси” деб ҳисоблаш ғояси мавжуд²⁰⁶. Эҳтимол “илк зардуштийликка” оид деган тушунча аниқ эмас. Балки бу Зардуштнинг ўзи фаолият олиб борган вақт ёки Аҳамонийлар бошқаруви давридир. Тўғолоқ 21 ва Жарқўтон ибодатхоналарини қиёслаганда, хаома эътиқоди билан боғлиқ бўлган айнан ўхшашлик кузатилади. Шунга кўра, тахмин қилиш мумкинки, Шимолий Бактрияда хаома қуйиш урф-одатини ўтказишга асосланган Митрага эътиқод билан боғлиқ анъана мавжуд бўлган²⁰⁷. Айтиш мумкинки, Митрага эътиқод Бактрияга Марғиёнадан ўтган, чунки Сополли аҳоли Марғиёнадан бўлган²⁰⁸. Бунга куёш илоҳи (балки Митра)га²⁰⁹ бағишланган маҳобатли меъморий кўринишга эга Тўғолоқ 21²¹⁰

¹⁹⁸ Заднепровский Ю. Чустская культура Ферганы и памятники раннежелезного века Средней Азии. Автореф. дисс. ... докт. истор. наук. – М., 1978. – С. 18-20, 28.

¹⁹⁹ Заднепровский Ю. Древнеземледельческая культура Ферганы. – М.-Л., 1962. – С. 24.

²⁰⁰ Сарианиди В. Задолго до Заратуштры. ... – С. 97.

²⁰¹ Redman Ch. The rise of civilization. – San Francisco, 1978. – P. 367.

²⁰² Массон В. Первые цивилизации. – Л., 1989. – С. 171.

²⁰³ Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы ... – С. 115.

²⁰⁴ Аскарлов А., Ширинов Т. О некоторых группах культовой керамики Джаркутана // ИМКУ. – Ташкент, 1991. Вып. 25. – С. 54.

²⁰⁵ Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы ... – С. 155.

²⁰⁶ Каримова Д. Погребальные обряды и верования населения Северной Бактрии ... – С. 40-41.

²⁰⁷ Сулейманов Р. Древний Нахшаб. – Самарканд-Ташкент, 2000. – С. 235; Шайдуллаев А. Глиптика и сфрагистика культуры Сапалли ... – С. 31.

²⁰⁸ Аскарлов А. История происхождения узбекского народа. ... – С. 146.

²⁰⁹ Шайдуллаев А. Глиптика и сфрагистика культуры Сапалли ... – С. 31.

²¹⁰ Сарианиди В. Древности страны Маргуш. – Ашхабад, 1990. – С. 152.

эхромига ўхшаш Жарқўтон ибодатхонаси ҳам исбот бўла олади. Бундан ташқари Бактрияда мавжуд бўлган Митрага эътикод, ҳиндларнинг қуёшга бўлган эътиқодлари билан қўшилиб кетган²¹¹.

Шундай қилиб, бронза даврида олов ва қуёшга эътиқоднинг кучайганлиги кузатилади. Бактрия ва Марғиёнада мил. авв. II минг йилликда одамларни қўй билан қўмиш ёки ҳайвон (асосан қўй)ни одам қаби қўмиш аънаси амал қилади. Бу Ўрта Осиёнинг жанубида шомонлик мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Туроннинг дашт қабилаларида бронза даврига келиб, марҳумлар (аждоҳлар)га эътикод давом этди, мурдаларни қуйдириш етакчи ўрин тутди. Бундан ташқари Қуёш марказ бўлган Коинот, Борлиқ ғояси уларга хос хусусият эди. Эҳсон таоми аънаси ривожланиб, хотирлаш ўзгара бошлайди. Олов ҳақида гап борганда сунъий олов чиқариш ғоясига асосланган дафн маросимларини таъкидлаб ўтиш жоиз (Жанубий Тагескен). Олов веда ва Авесто аънааларида умумийлик касб этган эди. Бўстон VI эътикод объектида некрополь ва “муқаддас жой” қўшилиб кетади. Бронза даврида Шимолий Бактрияда очиқ турдаги илк ибодатхоналар пайдо бўлади (Бўстон VI). Эҳтимол Бўстон VI (Сополли маданияти) илк зардуштийларнинг эътиқодий маросимлари ўтказиладиган жой бўлган бўлиши мумкин.

Бронза даврида протозардуштийлик туридаги ибодатхоналар шакллана бошлайди (Тўғолоқ 21, Олтиндепа, Жарқўтон). Улар олов ва сув (Жарқўтон), хаома (Тўғолоқ 21), Ой (Олтиндепа)га топиниш учун бунёд этилган эди. Бронза давридаги олов ва қуёш эътиқоди, веда ва Авесто аънаалари мафқурасининг ўзаги сифатида қарор топган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Турон жамиятининг илк темир асридаги диний-асотир (мифологик) тизими**” деб номланади. Унинг биринчи параграфи “**Илк темир асри жамоаларининг дафн маросимлари**”га бағишланган. Бунда мил. авв. V-IV асрларда Жанубий Урал бўйи ва Устюртда яшаган жамоаларга ўз таъсирини кўрсатган Жанубий Уралолди даштларидаги этномаданий жараёнлар очиқ берилган. Бу даврда сақланиб қолган дафн тош қутилар кўринишидаги кўрғонлардан иборат иншоотлар мавжуд эди²¹². Кўрғон шакли тупрокқа дафн қилиш маданияти чорвадор қабилаларга тегишли эди. Жанубий Уралолди кўчманчилари Устюрт пасттекислигидаги жойлардан яйлов ва қишлоқ сифатида фойдаланишган. Фақат ёзда Жанубий Уралолди даштларига кўчишган²¹³.

Уйғарак қабристонини Жанубий Сибир ва Ўрта Осиё кўчманчиларининг ўзаро маданий алоқаларини акс эттиради. Барча қабрларда марҳумлар яқка тартибда, елкаси тортилиб дафн этилган. Дафн маросимида оловга бўлган эътикод кўзга ташланади ва тупрокки қабрларда олов ҳеч қандай аҳамият касб этмаган. Уйғаракда марҳумни от билан бирга қўмиш ўрнини от

²¹¹ Литвинский Б. Древние кочевники «Крыши мира». – М., 1972. – С. 154.

²¹² Ягодин В. Устюрт и Приаральская дельта (некоторые итоги археологических исследований 1971 – 1975 гг.) // ОНУ. – Ташкент, 1986. – № 11. – С. 47.

²¹³ Таиров А. Этнокультурные процессы в степях Южного Урала во второй половине V-IV вв. до н.э. // РА. – М., 2006. – № 1. – С. 73.

жабдуклари билан кўмиш эгаллади. К.Смирновнинг фикрига кўра, Оролбўйи саклари ва Жанубий Уралолди сарматлари одатидаги ўхшашлик шундаки, ушбу қабилалар маданияти асосини Андроново маданияти ташкил қилган²¹⁴.

Илк темир асри даврида Қуйи Сирдарё сакларининг макбараларида хочсимон тарх мавжуд бўлган. М.Филановичнинг фикрича, “хоч” само (куёш)нинг тархи бўлиб, эътиқод хусусиятига эга эди. Бу куёш ва оловга топиниш билан боғлиқ ҳолда кўрилади.²¹⁵ Илк сак даврида Еттисувда лаҳадли, тупроқ ўрали, тош қутили қабр турлари бўлган. Баъзида мархумлар билан отларни бирга кўмишган. Сак даврида Еттисув сакларида қатламли даҳмалар (Бесташир кўрғон), чодирсимон қабрлар, лаҳадли тупроқ ўралар каби мазорларнинг турлари мавжуд бўлган²¹⁶. Еттисув сакларида қабиласардори (етакчиси)га эътиқод пайдо бўлган. Буни “Иссиқ” кўрғони тасдиқлайди. Мазкур кўрғон сардори куёш илоҳаси сифатида акс эттирилган. Б.Литвинскийнинг таъкидича, сакларда ягона дин бўлмаган, фақатгина ўхшаш динлар бўлган ҳолос. Улар айрим уюшмалар ва қабилаларда ўзаро фарқланган. Бунга дафн маросимларидаги фарқлар мисол бўлади²¹⁷. Р.Сулеймановнинг фикрига кўра, ўрта Сирдарё ва Оролбўйи кўчманчилари этномаданияти ва ирқида ўзгаришлар бўлишига қарамай, веда анъаналарига яқин асотири ва эътиқодлар ривожланиб боради. Бу Шимолий Қораденгиз бўйи скифларига ҳам хос хусусият эди²¹⁸. Еттисув ва Тянь-Шан кўчманчиларида махсус ибодатхоналар мавжуд бўлмай, фақатгина очик осмон остидаги зиёратгоҳлар бор эди. Саклар даврида анимизм, тотемизм, мажусийлик сақланиб қолган. Помирда тупроқ ўрали қабрлар билан бир қаторда кенотафлар ҳам бор эди. Помирнинг барча кўрғон мажмуаларида “скифлар учлиги” (қурол, эгар-жабдук, ҳайвонлар акс этган услуб)ни кузатиш мумкин. Қуйимой кўрғонлари учун қабр устига ўрнатилган тош “эхромчалар” хос бўлиб, бундай кўриниш Уйғарак ва Шимолий Тагискенда учрамайди.

Тасмўла маданияти дафн маросимлари Еттисув ва Шарқий Помир сакларининг дафн урф-одатларидаги унсурлар ва анъаналарга ўхшаб кетади. Тош қаторли (“мўйловли” ёки йўлакли) кўрғонлар айнан Тасмўла маданиятига хосдир. Тош қаторларининг кўрғонлар билан бирга жойлашишининг аҳамияти ҳақида бир неча нуқтаи назарлар мавжуд. Масалан, И.Кукушкинга кўра, “мўйловли” кўрғонлар уруғ-қабилаларнинг зиёратгоҳи, эътиқод қилинадиган жой вазифасини бажарган. Қаторларнинг йўналишлари – “мўйловлар”даги ўзгаришлар эса куёшнинг мавсумлар оралиғида чиқиши билан боғлиқ бўлган²¹⁹.

²¹⁴ Смирнов К. Петренко В. Савроматы Поволжья и Южного Приуралья // САИ. – М., 1963. Вып. Д 1-9. – С. 5.

²¹⁵ Филанович М. Древняя и средневековая история Ташкента в археологических источниках. – Ташкент, 2010. – С. 117.

²¹⁶ Акишев К., Кушаев Г. Древняя культура саков и усуней долины р. Или. – Алма-Ата, 1963. – С. 25-76.

²¹⁷ Байпаков К., Терновая Г. Казахстан // РЦАА. – Самарканд, 2016. – Том 1. – С. 63.

²¹⁸ Сулейманов Р. Древний Нахшаб. ... – С. 243.

²¹⁹ Кукушкин И. Курганы с «усами»: семантический аспект // Новые исследования по археологии Казахстана. «Маргулановские чтения – 15». – Алматы, 2004. – С. 33.

Яз I маданияти даврида Ўрта Осиёнинг жанубидаги ўтроқ аҳолининг қабристонлари деярли йўқолиб кетади. Шимолда, Евроосиё даштларида эса аксинча бир вақтнинг ўзида илк темир асрига оид минглаб қабр қўрғонлар пайдо бўлди²²⁰. Эскарнация (суякдан этни тозалаш) одати етакчи ўрин тута бошлайди. Илк темир асрида Жарқўтонда туғилган чақалоқларни турар жойнинг ўзига кўмишган. Шунингдек, Ўрта Осиё жанубига хос қабрларда ўралар учрамайди (яъни мархумларни ер юзасига кўмишган) ва жасадни қисман дафн қилишган²²¹. Мархумларни букланган ҳолда ёнбошлатиб, ернинг юза қисмига жойлаштиришган.

Иккинчи параграф *“Турон жамиятидаги ибтидоий эътиқодлар ва динлар Митрага эътиқод ва зардуштийлик нигоҳида. “Ҳайвонларни акс эттириш услуги” ва қўчманчилар (номад)лар мафқураси”* деб номланади. Унда жамият маънавий ҳаётининг ҳайвонларга хос услубларда, петроглифларда акс этиши билан боғлиқ талқини берилади. Шунингдек, қабилаларнинг илк эътиқодлардан яккахудолик дини (зардуштийлик)га ўтиши таъкидланади.

Тош асри давридан бошлаб, ибтидоий одамлар онгида мафқуравий дунёқараш шаклланиб, у доимий равишда такомиллашиб, натижада инсоннинг ўзини ҳам эволюцион даражада шакллантирган. Бу мураккаб эътиқодлар ва динларнинг вужудга келишига олиб келган. Оқибатда яккахудоликка оид илк диний қарашлар (зардуштийлик)нинг шаклан ўзгариб бориши кузатилган²²². Олов, тупроқ (ер) ва сув зардуштийликка кириб келган илк эътиқод рамзлари эди. Бунга қадимги зардуштийлик динига ўхшаш Марғиёна жамиятидаги сув ва тупроққа бўлган эътиқоднинг мавжудлиги мисол бўла олади. Бизнингча, тарихда оловга эътиқоднинг пайдо бўлиши тош давридаги оламшумул воқелик – музлик даври билан боғлиқ бўлиши керак. Чунки бу давр нафақат инсонларнинг ижтимоий турмуш тарзини, балки онгини ҳам ўзгартириб юборган эди. Аждодларга эътиқод жуда қадим замонлардан бери мавжуд бўлиб, бу хинд-эронийларнинг диний мафқурасида ҳам ўз аксини топган. Улар онгида мархум руҳининг нариги дунёга зулмат дарёси орқали ўтиши тушунчаси пайдо бўлган эди²²³. Бизнингча, руҳнинг бундай ўтишини “мўйловли” қўрғонларга ўхшатишган, чунки улар мархум руҳи учун нариги дунёга ўтишда кўприк вазифасини бажарган бўлиши ҳам мумкин. Умуман олганда, Зардуштнинг: ҳар бир инсоннинг охиратда сўроқ қилиниши борасида, жаннат ва дўзах ҳақида, кейинчалик (қиёматда) инсон жасадининг тирилиши тўғрисидаги, қиёматдаги умумий ва сўнгги савол-жавоб ҳақидаги, ўлимдан кейинги абадий ҳаёт борасидаги ғоялари оқибатда дунё динларининг асосини ташкил қилган.

²²⁰ Bendezu-Sarmiento J., Lhuillier J. Sino Sepulchro cultural complex of Transoxiana um BCE // AMIT. Band 45. – Berlin, 2013. – P. 282-283.

²²¹ Grave no. 1034 at Dzarkutan (Bendezu-Sarmiento J. & Lhuillier J. «Les «silosfunéraires» de l'âge du Fer en Asie centrale: dépotoir ossuaire ou monumont de mémoire?» / in: G. Delaplace & F. Valentin (edc.), Le Funéraire, Mémoire, protocoles, monuments, Colloques de la Maison René Ginouvés 11. – Paris, 2015. – P. 93-103.

²²² Сулейманов Р. Древний Нахшаб. ... – С. 235.

²²³ Рапопорт Ю. Религия древнего Хорезма. – М., 1991. – С. 38.

Ҳайвонларни акс эттириш услуби кўчманчилар мафкураси ва уларнинг диний қарашлари билан боғлиқ бўлган. Йиртқич қушлар, йиртқичлар ва туёқлиларнинг тасвирини чизиш ҳайвонларни акс эттириш услубининг асосий сабаби ҳисобланади.

Уйғурак буюмлари мисолида ҳайвонларни тасвирлаш услуби грифон эмас, балки йиртқич қуш кўринишида берилган. Шунингдек, Уйғуракда заржирбанд қилинган ҳайвон (қоплон) манзараси акс эттирилган. Уйғуракда туянинг акс эттирилиши анча аввалги скиф даврига хос. Йиртқич қушлар ва ҳайвонлар (баъзан улар танасининг айрим қисмлари)нинг акс эттирилиши тумор ҳисобланиб, бу от ёки қуролга куч бағишлаган²²⁴.

Оролбўйи сакларида йиртқич қушга эътиқод мавжуд бўлиб, бу қуёшга бўлган эътиқодга боғлиқ эди²²⁵. Шуни таъкидлаш керакки, Кетмонтепа водийсида ҳайвон (қуш, йўлбарс, арслон, тоғ қўйи, илон, от) услубида акс эттириш санъати мавжуд эди²²⁶. Оролбўйи сакларининг ҳайвонларни акс эттириш услубига оид ёдгорликлари ғарбий, Уралолди йўналишига яқин бўлсада, аммо мазмунан Осиёга хос чизгилари (қоплон тимсоли) борлиги аниқланди. Бундан ташқари Оролбўйи саклари Осиё дунёсига ҳайвонларни акс эттириш услубининг тарқалишида, Осиёнинг жануби-ғарби билан бўладиган алоқаларда воситачилик қилган бўлишлари мумкин. Олдосиё тасвирий санъатининг айрим жиҳатлари скифлар даврида Ўрта Осиё орқали Олтой ва Жанубий Сибир санъатига кириб келган бўлиши мумкинлиги аниқланди²²⁷.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтсак, кўчманчилар (саклар, массагетлар)нинг маънавий ҳаёти қадимги анъаналарни эътиборга олган ҳолда ривожланиб борган. Дафн маросимларида қуйдириш ва қайта кўмиш одати сакланиб, экскарнация ҳам пайдо бўлади. Қабр ости иншоотларини ёкиш орқали улар марҳумларнинг руҳи самовий оловга ва буюк олов-қуёшга етиб боради деб тасаввур қилишган. Мил. авв. VII-III асрларда яшаган кўчманчилар дафн маросимининг ўзига хослик отнинг ўзини, эгар-жабдуқларини дафн этишда кузатилади. От эътиқодий ҳайвон ҳисобланиб, қуёш илоҳи – Митранинг тимсоли эди. Қуёшга сиғиниш сакларнинг диққат марказида турган. Қуёш – Митра ва олов эди. Массагетлар учун ҳам Митрага эътиқод етакчи ўрин тутган. Мил. авв. V-III асрларда массагетларда чўғ ва кулни саклаш ва “кўмиш” одати бўлган. Мил. авв. IV асрдан Ўрта Осиё ғарби (Устюрт)да жанубий Урал кўчманчилари (илк сарматлар)нинг таъсири кучайди. Улар Сирдарёнинг қуйи оқимида кириб келиши билан “ҳайвонларни акс эттириш услуби”даги санъат тарқалди.

Кўчманчи (номад)лар учун қўрғонлар ва макбаралар анъанавий ҳолат эди. Қўрғонларни улар Борлиқ сифатида тасаввур қилишган. Қайта дафнни амалга оширишда тобутлардан фойдалана бошлашди (Зарафшон водийси).

²²⁴ Погребова Н. Грифон в искусстве Северного Причерноморья в эпоху архаики // КСИИМК. – М., 1948. Вып. XXII. – С. 67.

²²⁵ Штернберг Л. Первобытная религия в свете этнографии. – Л., 1936. – С. 112-126.

²²⁶ Ташбаева К. Культура ранних кочевников Тянь-Шаня и Алая (I тыс. до н.э.). – Бишкек, 2011. – С. 77-79.

²²⁷ Мошкова М. Степная полоса азиатской части СССР в скифо-сарматское время. – М., 1992. – С. 44.

Мархумни “Чавондоз ҳолатида” дафн қилишган, чунки мархум у дунёга от устида боради деб ҳисоблашган. Маросимларда олов ўрнини охра эгаллади. Туронда экскарнация ривожланди. Ўралар йўқолиб, юқорига дафн қилишган. Анимизм, тотемизм ва мажусийлик давом этган. Илк темир асридаги Ўрта Осиё кўманчиларининг маънавий ҳаётида Митрага эътиқод етакчи ўрин тутади. Ўтроқ-деҳқонлар орасида эса айрим зардуштийликка ҳос дафн этиш одатлари (экскарнация) пайдо бўлади.

ХУЛОСА

Диссертацион тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Мил. авв. VII-IV минг йилликлар (неолит) – бу даврда Турон маънавий ҳаётида инқилобий ўзгаришлар рўй берди. Дафн маросимларининг ўзига ҳос хусусиятлари ажралиб чиқди. Ўша давр овчилари ва чорвадорлари томчисимон ва тўғрибурчак шаклидаги (Коинот ва Борликни акс эттирувчи) тупроқ уюмли қабрлар кура бошлаган бўлсалар, Ўрта Осиё жанубидаги илк деҳқонлар мархумларни манзилгоҳларидаги уйларнинг поллари остига дафн этишган. Ҳар икки ҳолатда ҳам оловдан фойдаланишган. Фақат биринчи ҳолатда олов ҳимоя вазифасини (тимсол сифатида – охра) ўтаган бўлса, иккинчисида эса покланиш тимсоли (кул) бўлган. Шу қаби ёки ўзгача ҳолда оловнинг неолит даврида эътиқодий аҳамият касб этганлиги кўринади.

2. Энеолит даврида тупроқни муқаддаслаштириш, у дунёда қариндошлик алоқаларини бирлаштириш ғояси пайдо бўлади. Хусусан, Ўрта Осиё жанубидаги илк деҳқонларнинг манзилгоҳларида олдиндан олов ёқиш маросими ўтказиладиган жамоавий даҳмалар (толослар) вужудга келади. Энеолит даврининг чўпон қабилаларидаги қабрлар марказида йирик тошлардан доиравий тўсиклар қилиш билан боғлиқ анъаналар пайдо бўлади.

3. Неолит даврида илк ибодатхона шакллана бошлайди. Ибодатхоналар пайдо бўлишининг муҳим элементи неолит даврининг эътиқод ўчоғи ҳисобланган (Хоразм). Ўчмас оловга эътиқод жамиятнинг мафкуравий таянчи бўлиб қолди. Энеолит давридаги чўпонлар муҳитида илк муқаддас жойлар пайдо бўлди. Бунинг асосида самовий оламини муқаддаслаштириш, Борлиқ ётар эди. Шу пайтда Ўрта Осиёнинг жанубидаги ўтроқ-деҳқонлар орасида алтарлар тарқала бошлайди. Туроннинг асосий илоҳларидан бири Нана илоҳаси бўлиб қолди. Неолитдаги қадимги деҳқонларда илк “муқаддас жойлар” сифатида пайдо бўлди. Илк “муқаддас жойлар” инсоннинг фаолияти ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар жамиятни бирлаштирувчи бўғин сифатида муҳим ўрин тутди. Энеолит давридан қадимги деҳқонлар ибодатхона маросимда оловдан фойдалана бошлади. Протоибодатхона сифатида “хонадонларнинг муқаддас жойлари”, қурбонгоҳлар ва сағаналар вужудга келди. Қуёш шарафига бағишланган эътиқодий-диний марказлар бунёд этилади. Маросимларда олов асосий ролни ўйнайди. Олов ва қуёшга бўлган эътиқод ўзгариб, қуёшга топиниш вужудга келади. Ер ва ҳосилдорликка эътиқод шаклланди.

4. Энеолит даврига қадар қоятош суратлари ғоясида овчилик сеҳр-жодуси ва тотемга ҳос хусусиятларни акс эттириш етакчилик қилди.

Кейинчалик жамият онгида ҳосилдорлик ва қуёшга бўлган эътиқодлар шаклланди. Дехқонларда бу эътиқодлар ҳайвонлар ва инсонлар қиёфасини акс эттириш сифатида, чорвадорлар ва қўчманчиларда эса ҳайвон (эчки, бука, кийик, от)ларнинг боши самовий тимсол (қуёш) акси билан ифода этилди. Бундай ҳодиса бронза даврида ҳам кузатилади ва бу пайтда Ўрта Осиёда Митрага эътиқод шаклланади.

5. Бактрия ва Марғиёнада мил. авв. II минг йилликда ҳайвонларга эътиқод билан боғлиқ шаманизм белгилари мавжуд эди. Мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмидан Шимолий Бактрияда экскарнация (суякни этдан тозалаш) ва дашт анъаналарининг таъсири билан маросимларда оловнинг иштироки ошиб янгича диний қарашлар пайдо бўлди.

6. Туроннинг дашт қабилаларида бронза даврида марҳумлар (аждодлар)га эътиқод, шунингдек, марҳумларни ёқиш одати сақланиб қолди. Бундан ташқари дашт қабилаларига қуёш марказ бўлган Коинот ғояси ўзига хос хусусиятга эга эди. Суякларни иккинчи марта қайта дафн этиш одати мавжуд эди. Эҳсонлар келтириш анъанаси ривожланиб, хотирлашга ўзгара бошлади. Сунъий олов ёқиш ғоясига асосланган, олов ва марҳумларга эътиқод уйғунлашган дафн маросимларини ҳам таъкидлаш жоиз.

7. Мил. авв. II минг йиллик охири – I минг йиллик бошларида Туроннинг жанубида дашт маданий мероси анъаналари етакчилик қилиб, қадимги одатлар трансформациялашади. Шимолий Бактрия дафн амалиётида олов тарихан анъанавий ҳисобланмаган. Олов билан боғлиқ маросимлар кўп вазифали эътиқод объектларининг бунёд этилишига олиб келди. Шулардан бири Бўстон VI (Шимолий Бактрия) бўлиб, бу ерда некрополь ва “муқаддас жой” уйғунлашди. Шунингдек, биринчи “крематория” (мурдаларни ёқиш иншооти) пайдо бўлиши (Шимолий Бактрия) ҳам янги ва ноёб ҳодиса эди. Бу каби иншоот Евроосиёнинг бошқа дашт минтақаларида мавжуд эмас. Бўстон VIдаги барча маросимлар осмон жисмлари – олов эътиқодини акс эттирар эди. Сўнгги бронза даврида Шимолий Бактрияда очиқ турдаги ибодатхоналар пайдо бўлди (Бўстон VI). Эҳтимол Бўстон VI (Сополли маданияти) илк зардуштийларнинг эътиқодий маросимлари ўтказиладиган жой бўлган бўлиши мумкин.

8. Бронза даврида протозардуштийлик туридаги ибодатхоналар шакллана бошлайди. Улар олов ва сув (Жарқўтон), хаома (Тўғолоқ 21), Ой (Олтиндепа)га топиниш учун бунёд этилган эди. Қохинлик ва қохинлар иерархияси пайдо бўлади (Марғиёна). Эҳтимол, Митрага эътиқод Бактрияга Марғиёнадан ўтган бўлиши мумкин. Бу даврда Марғиёнада хаомага эътиқод билан боғлиқ маросимлар, Бақирияда оловга эътиқод билан боғлиқ маросимлар ўтказилган. Олов ва қуёшга эътиқод веда ва Авесто анъаналари мафкурасининг ўзагини ташкил этган. Митра ва хаомага эътиқод шаклланди. Ҳосилдорлик эътиқоди қарор топди ва тарқалди.

9. Мил. авв. VII-III асрларда қўчманчилар (саклар, массагетлар)нинг дафн маросимларида кремация (мурдани қуйдириш) сақланиб, экскарнация одати пайдо бўлган. Бу вақтдаги дафн маросимида отнинг ўзини ёки эгар-

жабдуқларини дафн этишда кузатилади. От эътиқодий ҳайвон ҳисобланиб, қуёш илоҳи – Митранинг тимсоли саналган. Саклар ва массагетларда қуёшга сиғиниш уларнинг диққат марказида турган. Қуёш – Митра ва олов эди.

10. “Ҳайвонларни акс этириш усули” – бу кўчманчилар мафкурасининг акс эттирилиши эди. “Ҳайвонларни акс эттириш усули”да етакчи бўлган азоблаш саҳнаси инсон ҳаётининг даврийлигини ҳаёт ва ўлим, эзгулик ва ёвузлик қабиларни ўзида мужассам этар эди. Айнан шу қарашлар мил. авв. V-III асрлардаги кўчманчиларнинг дафн урф-одатларини намоён қилган.

11. Табиат ҳодисалари (олов ва ер) билан боғлиқ эволюцияларнинг тарқалиши кузатилар экан, олов ва қуёшнинг руҳий кучи Турон жамиятининг мафкуравий онгида ўз тасдиғини топганини таъкидлаш жоиз. Айнан, ушбу қоришув барча ижтимоий гуруҳларни бирлаштириши ва миграциялар пайтида юзага чиқадиган можароларнинг олдини олиши мумкин эди. Зардуштийлик таълимотига кирган Митрага эътиқод, илк деҳқонлар билан дашт қабилалари (илк номадлар, кўчманчилар)ни боғловчи восита эди. Натижада бу Турон жамиятида зардуштийликнинг ривожланиши ва тарқалишига олиб келди.

Тадқиқотга оид хулосалар қуйидаги **таклиф ва тавсияга** асос бўлди:

1. Туроннинг қадимги эътиқодий-диний анъаналари билан боғлиқ манбаларни ўзида акс эттирган илмий ҳужжатли фильм яратиш;
2. Турон маънавий ҳаётининг илк босқичларига оид илмий атамалар луғатини тузиш;
3. Тош давридан бошлаб то илк темир асригача Турон маънавий ҳаётини ўрганишга йўналтирилган халқаро илмий тадқиқот экспедициясини ўтказиш;
4. Ўқув-услубий қўлланма ишлаб чиқиш, шунингдек, ОЎЮларининг тарих факультетлари талабалари учун “Туроннинг қадимги жамиятидаги диний-асотирий тизим” ўқув курсларини ташкил қилиш;
5. “Турондаги эътиқодлар ва динлар” мавзусида телевизион дастур яратиш.

**SCIENTIFIC COUNCIL NUMBER DSc.02/30.12.2019. Tar.56.01
ON AWARDING OF SCIENTIFIC DEGREES UNDER
THE INSTITUTE OF THE HISTORY OF THE ACADEMY OF SCIENCE OF SCIENCE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

THE INSTITUTE OF HISTORY

GORDEEVA ELENA ANATOLEVNA

**EARLY PERIODS OF SPIRITUAL LIFE OF TURAN
(VII – first half of the Ist millennium BC)**

07.00.01 – History of Uzbekistan

**DISSERTATION ABSTRACT
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Historical Sciences**

Tashkent – 2021

The title of dissertation was registered № PhD/Tar.56.01 at the Supreme Attestation Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan.

Dissertation has been prepared in the Institute of history of Academy of Science of the Republic of Uzbekistan.

The abstract of dissertation was posted in three languages (Russian, Uzbek, English (resume)) on the website of Scientific Council (www.fati.uz) and Information-educational portal «ZiyoNET» (www.zivonet.uz).

Scientific consultant:	Sulaymonov Rustam Hamidovich doctor of historical sciences, professor
Official opponents:	Boboyorov Gaybulla Bolliyeovich doctor of historical sciences, associate professor Shaydullayev Shapulat Bazarovich doctor of historical sciences, professor
Leading organization:	Institute of Art History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

The defense of the dissertation will be held on «_____» _____ 2021 at «_____» at the meeting of the Scientific Council number DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 on award of scientific degree of Doctor of History (DSc) and Doctor of Philosophy (PhD) at the Institute of History of the Science Academy of the Republic of Uzbekistan (Address: 110-room, 70, Yahyo Gulomov Street, Tashkent. The Academy of Science of the Republic of Uzbekistan). Tel.: (99871) 233-54-70; Fax: (99871) 233-39-91. www.fati.uz. The Institute of History of the Science Academy of the Republic of Uzbekistan).

The doctoral dissertation (PhD) is available at Fundamental library of the Science Academy of the Republic of Uzbekistan (registered №_____). (Address: 100170, 13 Ziyolilar street, Tashkent). Tel: (99871) 262-74-58; fax: (99871) 262-34-41.

Abstract of dissertation is delivered «_____» _____ 2021.
(Register of certificate of delivery «_____» _____ 2021).

Azamat Ziyo
Chairman of Scientific Council on awarding the scientific degrees, Doctor of historical sciences, professor

Kh. S. Jumanazarov
Scientific secretary of of Scientific Council on awarding the scientific degrees, PhD

N.A. Allayeva
Chairman of the Academic seminar under the Scientific council on awarding the scientific degrees, DSc

INTRODUCTION

(Abstract of PhD thesis)

The aim of the study is to reconstruct the processes of the formation of ideological ideas and the spiritual life of the society of Turan in the VII – first half of the Ist millennium BC based on burial and temple traditions, as well as rock art.

The object of the research are burial and religious buildings (sanctuaries, temples), rock paintings of Turan VII – first half of the 1st millennium BC settled - agricultural and steppe cultures mainly based on the data of previously published studies of archaeological sites at monuments of a wide geographical range from the territory of Kazakhstan to the south of Uzbekistan and southern Turkmenistan.

The subject of research is the reconstruction of the spiritual life of Turan VII – first half of the 1st millennium BC on the basis of burial and temple traditions, petroglyphs above the specified period with their specificity and classification.

The scientific novelty of the research consists of the followings:

it was established that from the VIIth - VIth millennium BC, the funerary culture and belief system of the Turanian people were based on drop-shaped and rectangular burials of hunter-gatherers and burial ceremonies under the floors of houses among early farmers;

it turned out that from the VIIth - VIth millennium BC the worship of the sacred fire in the temples by the Turanian society took place on the basis of the division of funeral rites (in the traditions of *the settled* and *steppe* tribes);

it is proved that the custom of excarnation (*separation of flesh from bones*) in Northern Bactria originated in the Bronze Age in a sedentary agricultural environment and reached its peak in the Early Iron Age;

it is determined that from the early Iron Age (end of II - first half of the Ist millennium BC) the cult of fire and the sun acquires a new semantic meaning - this is the "unity of the community", which has become a support in strengthening the teachings of Zoroastrianism.

The implementation of the research results. Based on the conclusions and proposals developed on the theme "Early periods of the spiritual life of Turan (VII – first half of the Ist millennium BC)":

materials on the study of rock paintings discovered as a result of archaeological research in the Tashkent and Kashkadarya regions were transferred to the fund of the State Museum of the Peoples of Uzbekistan and its branch – the Museum "Ancient Tashkent". They were involved in the design of the exposition "The Stone Age of Tashkent"; these materials have significantly enriched the fund of the museum (The Certificate of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan № 3 / 1255-2749 issued on December 7, 2020). The exhibits exhibited in the museum and stored in its fund help museum visitors get ideas about the history of the origin of cult-religious thinking and spiritual life in the pre-literary period of history in the Tashkent and Kashkadarya oases;

new information revealed in the process of studying the origins of the formation of cult and religious thinking in Central Asian society from the Stone Age and the Early Iron Age inclusively, were used in the preparation of scenarios for the program "At the Crossroads of Truth ..." of the «O'zbekiston tarixi» TV channel (The Certificate of the State Unitary Institution of the «O'zbekiston tarixi» TV channel of the National Television and Radio Company of Uzbekistan № 01 – 401153 issued on November 20, 2020). The information presented in this TV show contributes to the acquisition of new knowledge by our people about the early stages of the formation of the spiritual life of the society of Central Asia.

The structure and scope of the dissertation. The dissertation consists of Introduction, three chapters, conclusion, the list of references and an attachments. Research part of the dissertation consists of 148 pages.

**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
LIST OF PUBLISHED WORKS**

I часть (I бўлим; I part)

1. Гордеева Е.А. Храмовая культура – основа сложения культовых традиций в Средней Азии в древности // Взгляд в прошлое. – Ташкент, 2019. – № 5. – С. 77-84 (07.00.00. № 41).
2. Гордеева Е.А. (в соавт.) Сийпанташ – важный идеологический памятник первобытного искусства // Археология Узбекистана. – Самарканд, 2019. – № 1 (18). – С. 23-27 (07.00.00. № 4).
3. Гордеева Е.А. К вопросу об идеологии кельтеминарской культуры // Научный вестник ФерГУ. – Фергана, 2019. – № 6. – С. 43-46 (07.00.00. № 32).
4. Гордеева Е.А. Мировосприятие обществом Средней Азии, через призму наскальной живописи // Взгляд в прошлое. – Ташкент, 2020. – № 2. – С. 100-105 (07.00.00. № 41).
5. Gordeeva E.A. The evolution of the formation of the ideological worldview of the society of Central Asia in the preliterate period of history // Asian journal of multidimensional research. – India, 2020. – Vol. 9. Issue 10. – P. 113-119 (Impact Factor SJIF = 6,882; ISSN 2278 – 4853).
6. Гордеева Е. А. Фергана – один из центров международной торговли на трассах Великого Шёлкового пути / «История Ферганской долины в новых исследованиях» материалы IV Республиканской научно-практической конференции, посвящённой празднованию 70-летнего юбилея д.и.н., проф. Иссомидинова М.Х. (25 мая, 2017 год). – Фергана, 2017. – С. 59-62.
7. Гордеева Е.А. Духовная жизнь древнего Хорезма / “Роль молодёжи в развитии науки и образования” материалы Республиканской научной и научно-технической конференции, посвящённые 75-летию АН РУз. (23 ноября, 2018 год). – Ташкент – Навои, 2018. – С. 200.
8. Гордеева Е. А. Идеологические воззрения общества Ферганы в древности / «История Ферганской долины в новых исследованиях» материалы V Международной научной конференции (26 апреля, 2019 год). – Фергана, 2019. – С. 38-41.
9. Гордеева Е.А. Истоки сложения духовной жизни общества Северной Бактрии в древности / «Социально-экономическое и культурное сотрудничество Таджикистана и Узбекистана: история и современность» материалы Международной научно-практической конференции (21-22 июня, 2019 год). – Худжанд: Нури маърифат, 2019. – С. 193-196.

II часть (II бўлим; II part).

10. Гордеева Е.А. Идеологическое мировоззрение общества Саразма в древности // Вестник института. – Пенджикент, 2019. – № 2. – С. 112-115.

11. Гордеева Е.А. Генезис и периодизация урбанизационных процессов в Центральной Азии // История и археология Турана. – Самарканд, 2017. – № 3. – С. 151-156.
12. Гордеева Е.А. Идеологические представления в анауской культуре // Вестник молодых учёных. – Ташкент, 2018. – № 3-4 (12). – С. 41-45.
13. Гордеева Е.А. Религиозно-мифологическая система общества древнего Саразма // Вестник института. – Пенджикент, 2019. – № 4. – С. 70-74.
14. Гордеева Е.А. О первобытных верованиях Центральной Азии / “Проблемы истории, археологии и этнологии Центральной Азии” Международный научный сборник. – Ташкент, 2018. – С. 52-55.
15. Гордеева Е.А. Монументальная архитектура, как отражение идеологических воззрений / XXI век – век интеллектуальной молодёжи тезисы Республиканской научно-практической конференции (29 марта, 2019 год). – Ташкент, 2019. – С. 55-56.
16. Гордеева Е.А. (в соавт.) К вопросу об особенностях культурогенеза и урбаногенеза юга Уструшаны / Древний Джизакский оазис – в системе Центрально азиатской цивилизации (политическая, экономическая и культурная жизнь) материалы Республиканской научно-практической конференции. – Ташкент: VNESHINVESTPROM, 2019. – С. 7-10.
17. Гордеева Е.А. Погребальный обряд и искусство в «зверином стиле» как отражение мировоззрения населения Южной Сибири и Средней Азии в древности / История России с древнейших времён до XXI века: проблемы, дискуссии, новые взгляды. Сборник статей Меж. научно-практической школы-конференции молодых учёных (8-9 октября, 2019 год). – М., 2019. – С. 9-15.
18. Гордеева Е.А. Погребальные традиции и их дифференциация в духовной жизни народов Центральной Азии в древности / «Великие имена Великой степи: научно-теоретические и практические аспекты изучения в контексте патриотического воспитания молодёжи» материалы VII Международной научно-практической конференции молодых учёных – историков (28 ноября, 2019 год). – Алматы, 2019. – С. 215-223.
19. Гордеева Е.А. Сложение идеологического мировоззрения общества Хорезма в эпоху бронзы / «Наука и инновация в современных условиях Узбекистана» материалы Республиканской научно-практической конференции. – Нукус: Илим, 2020. – С. 71.
20. Гордеева Е.А. Саразм – культово-мифологический центр оседло земледельческого общества Зерафшана / «Роль Саразма в формировании цивилизации Центральной Азии» сборник статей научно-практической конференции (12-13 мая, 2020 год). – Душанбе, 2020. – С. 145-155.
21. Гордеева Е.А. Миграционные процессы и сложение идеологического мировоззрения общества Средней Азии в древности /

«Древние и средневековые культуры ЦА (становление, развитие и взаимодействие урбанизированных и скотоводческих обществ)» материалы Меж. научной конференции (10-12 ноября, 2020 год). – СПб., 2020. – С. 57-59.